

Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари А.Файзибаевнинг
2022 йил февраль ойи давомидаги фаолияти кўрсаткичлари
юзасидан қисқартирилган

М А Ъ Л У М О Т

Бюджетга қўшимча маблағлар тушумларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йилнинг февраль ойида камерал солиқ текширувларида **506,1 млрд.сўм**, сайёр солиқ текширувларида **4,8 млрд.сўм** ва солиқ аудитда **77,1 млрд.сўм** маблағлар тушуми таъминланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорига асосан, “**Soliq**” мобил иловаси орқали:

- **198 637** нафар фуқаролар томонидан рўйхатдан ўтказилган **3 013 780** та чекларга **27 624,0 млрд.сўм**лик **кэшбэк суммаси** ҳисобланди;

- савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари бўйича келиб тушган мурожаатлар асосида **7 014** тасида сайёр солиқ текширувлари яқунланиб, **7,2 млрд.сўм** молиявий жарима ундирилди;

- **1 429** нафар мурожаат муаллифларига **734,0** млн.сўм мукофот пуллари тўлаб берилди.